O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT MATBUOT QO'MITASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 18 AVGUST ◆ SHANBA ◆ № 96-97 (26.799)

... Мустақиллигимизнинг бешинчи йили — 1996 йилнинг 19 июли эди ўшанда. Асака шаҳрида Ўзбекистон тарихида мисли кўрилмаган воқеа содир бўлди: замонавий автомобиль заводи — «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси ишга туширилди. Ўшанда Андижоннинг тиниқ осмонида қуёш порлаб турарди. Бугун ҳам саратоннинг чароғон қуёши кўчаларни тўлдириб бораётган машиналарнинг ойналарида жилва қилади. Фақат бир манзарада буюк бир ўзгариш бор. Ўша йиллари тасаввур қилиш қийин бўлган манзара: бугун Асака кўчаларида юрган машиналарнинг деярли барчаси Мустақил Ўзбекистон, озод ўзбек мўъжизаси — «Нексия», «Тико», «Дамас»ларидир!

МЎЪЖИЗАНИНГ БУНЁДКОРИ — ХАЛҚИМИЗ

Завод қурилиши бошланганида кўпларга ўзбекларнинг бу иши «хомхаёл» бўлиб туюлган эди. Лекин корхонада ишлаб чиқарилган мазкур машиналар қисқа фурсатда бундай шубҳаю-гумонларни пучга чиқарди. «ЎзДЭУавто» маҳсулотлари дарҳол харидорлар эътиборига тушди. Жаҳон бозорида эътироф топди. Ишлаб чиқарилган ҳар бешта машинанинг бири экспорт қилинаётгани ҳам шундан!

Мамлакатимизда Юртбошимиз Ислом Каримов раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ёрқин натижаларидан бири бўлган «ЎзДЭУавто»нинг фаолият доираси янада кенгаймоқда. Унда янги русумдаги машиналар тайёрлаш йўлга қўйилаётгани бунинг бир исботидир.

17 август куни мазкур заводда «Матиз» русумли янги автомобилнинг халқаро тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Маросимда тегишли вазирлик ва идоралар, уюшмалар, концернлар раҳбарлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган элчихоналар, хорижий компанияларнинг ваколатхоналари, оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик вакиллари, Корея Республикаси, АҚШ, Буюк Британия, Италия ва бошқа давлатларнинг делегациялари иштирок этди.

Маросимни Андижон вилояти ҳокими Қ.Обидов очди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз саноатининг фахри бўлган «ЎзДЭУавто» заводи конвейеридан яна бир замонавий янги машина чиқа бошлагани, бундай тарихий воқеанинг эса барчамиз учун энг улуғ, энг азиз айём — Мустақиллигимизнинг ўн йиллигини нишонлаш арафасида бўлиб ўтаётгани муносабати билан ватандошларимизни, меҳмонларни қизғин муборакбод этди.

Бугунги воқеанинг маъно-мазмунига тўғри баҳо берадиган бўлсак — бу воқеа, авваламбор, юртимизда тинчлик ва осуда ҳаёт ҳукм сураётганининг исботидир, деди Юртбошимиз. Мамлакатимизда ўнлаб-юзлаб янги корхоналарнинг ишга туширилаётгани, янги технологияларнинг ўзлаштирилиши, юртимизга чет эл инвестицияларининг кириб келиши ҳамкорларимизнинг бизга бераётган кўмаги, ёрдами натижасидир. Бу ҳақиқатни Корея давлати, Корея капитали, кореялик шерикларимиз билан ҳамкорлигимиз самарасида яққол кўриш мумкин.

Юқори технологияларга асосланган замонавий ишлаб чиқариш тармоғининг ривожланиши илғор техника ва технологияларнинг тилини биладиган, замонавий ишлаб чиқариш усулларини пухта ўзлаштирган муҳандис ва ишчилар, малакали мутахассисларга боғлиқ. Уларсиз бундай корхонани қуриш ҳам, ишлатиш ҳам мумкин бўлмасди. Заводда янги русумдаги машиналарнинг ўзлаштирилаётгани мамлакатимиз салоҳиятининг ошиб бораётганидан далолатдир.

Ўтган беш йил давомида заводда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Завод иш бошлаган кезларда бу ерда юзга яқин кореялик мутахассис ишлаган бўлса, эндиликда улардан беш нафари қолган, холос. Ҳозир бу ерда Жанубий Кореядаги корхоналарда малака оширган, ҳар қандай мураккаб машина ва механизмларни ҳам бошқаришни ўрганган ўзбек ишчилари, технологиянинг соатдек аниқ ишлашига масъул муҳандислар ишламоқда.

Эҳтиёт қисмлар тайёрлашни маҳаллийлаштириш борасида режали олиб борилган ишлар тез орада натижасини кўрсатди. «ЎзТонгхонг», «ЎзКорамКо», «ЎзДонгЯнгКо», «ЎзДонгжуПейнт», «ЎзСемЮнко», «ЎзДонгБонгко» каби қўшма корхоналарда юксак сифатли бутловчи қисмлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Мазкур қўшма корхоналарда бамперлар, ўриндиқлар, шовқин пасайтиргич, электр кабеллари, автомобиль бўёқлари тайёрланмоқда. Уларда юзлаб ўзбек ёшлари малакали иш билан таъминланган. Яқинда Жиззахда ишга тушириладиган «ЎзЭксайд» қўшма корхонасида эса машиналаримиз учун аккумуляторлар тайёрланади.

Маҳсулот сифатини ошириш, технологияни ривожлантириш, лойиҳалаштириш ишларини жадаллаштириш борасидаги ишлар эса заводнинг экспорт салоҳиятини янада кўтаришга хизмат қилмоқда. Хусусан, «ЎзДЭУавто» машиналарини ривожланган Ғарб давлатларида сотишга имкон берадиган халқаро ISO 9001 сертификати олинди. Таъкидламоқ керакки, «ЎзДЭУавто» МДҲ давлатларидаги тўрдош корхоналар орасида бундай халқаро ҳужжатга эга бўлган ягона заводдир. Шу маҳалгача Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автомобиллар МДҲ ҳамда Болтиқбўйи давлатларигагина экспорт қилинар эди. Энди эса Буюк Британиянинг «МЕКС Коммодитис» компанияси билан ҳамкорликда «ЎзДЭУавто» маҳсулотларини Европа, хусусан, Буюк Британия бозорларига чиқариш борасида қизғин иш олиб борилмоқда.

«Матиз» ишлаб чиқаришни Ўзбекистонда йўлга қўйиш Асакадаги заводнинг юксак сифат билан ишлаётганлиги туфайлигина мумкин бўлди. Жанубий Кореянинг Экспорт-импорт банки ҳамда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан ҳамкорликда амалга оширилган лойиҳа йилига олтмиш мингта «Матиз» ишлаб чиқариш имконини беради. Жорий йил охиригача эса етти мингта шундай машина тайёрланади. Янги машинанинг салони «Тико»никидан бироз кенг, қуввати ортиқ, бурилиш бурчаги юқори, ёнилғини кам сарфлайди. Ҳар қандай шароит ва иқлимга бардошли «Матиз»ни бошқариш осон, ташқи кўриниши эса жуда чиройли.

Энг муҳими, «Матиз»ни ишлаб чиқаришни бошлаш билан нафақат автомобилсозларимиз, балки бутун мамлакатимиз саноати технологик мустақиллик босқичига қадам қўйди. Ўзбекистонда технологик жиҳатдан якунланган ишлаб чиқариш тармоқларини яратиш ва ривожлантириш мумкинлиги яна бир бор амалда исботланди!

Айни вақтда «ЎзДЭУавто»да харидорлар меҳрини қозонган «Нексия»нинг такомиллаштирилган варианти — «Нексия-2»ни конвейерга қўйиш борасидаги ишлар давом этмоқда.

Бундан ташқари, «ДЭУ Мотор» компанияси билан мутлақо янги машина ишлаб чиқариш лойиҳаси борасида ҳам келишувга эришилди. Шартли равишда «Т—200» деб номланаётган янги автомобилни 2003 йилдан бошлаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Халқаро тақдимот маросимида сўзга чиққан Корея Республикаси делегацияси раҳбари, савдо вазири жаноб Ду Юн Хванг ва «ДЭУ Мотор» компаниясининг президенти Жонг Дэ Ли, «ЎзДЭУавто»нинг қурилиб ишга туширилиши ва муваффақиятли фаолияти мамлакатларимиз ўртасидаги мустаҳкамланиб бораётган ўзаро ҳамкорликнинг ёрқин бир нишони эканлигини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қўшма корхона цехларида бўлиб, янги машинанинг яратилиш жараёни билан танишди. Конвейердан чиққан биринчи «Матиз»нинг капотига эсдалик учун имзо чекди. Энди бу машина ҳам Президентимиз дастхати битилган бошқа «қардошлари»— «Нексия», «Тико» ва «Дамас» каби завод музейидан жой олади.

■ **Мусулмон НАМОЗ,**
ЎзА мухбири

Суратларда: тақдимот маросимидан лавҳалар.

Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ АСАКА ШАҲРИДАГИ «ЎЗДЭУАВТО» ҚЎШМА КОРХОНАСИНИНГ ЯНГИ ЛИНИЯСИ ИШГА ТУШИРИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун юртимизда қувончли кун.

Бугун мамлакатимизнинг ғурури ва ифтихори, саноатимизнинг етакчи корхонаси бўлмиш «ЎзДЭУавто» заводи конвейеридан замон талабларига ва халқаро андозаларга тўла жавоб берадиган, ҳар томонлама қулай, ихчам, илғор дизайн ва техник афзалликлари билан ажралиб турадиган янги русумдаги «Матиз» енгил машиналари чиқа бошлайди.

Барчамиз учун энг улуғ, энг азиз айём — Мустақиллигимизнинг ўн йиллигини нишонлаш арафасида бўлиб ўтаётган мана шундай тарихий воқеа билан сиз, азиз ватандошларимни ва бугунги маросимда қатнашаётган қадрли меҳмонларимизни чин қалбимдан муборакбод этишга рухсат бергайсиз.

Азиз юртдошлар!

Ҳаммамизга маълумки, бундан беш йил муқаддам кореялик ҳамкорларимиз билан биргаликда гўзал ва саховатли Андижон заминида биз учун муттлақо янги тармоқ бўлган Ўзбекистон автомобиль саноатига асос солиб, мана шу улкан қўшма корхонани ишга туширган эдик. Ўша пайтда бундай улкан лойиҳанинг устида ишлаётганимизда узоқ ва яқин қўшниларимиз, хориждаги ва ўзимиздаги айрим гуруҳ ва одамларда: «Нима, Ўзбекистон жаҳондаги автомобиль ишлаб чиқарадиган тараққий топган йигирма саккиз давлат қаторидан жой олиши мумкинми?», деган шубҳа-гумон, ишончсизлик пайдо бўлгани, улар бу ҳақда зарда ва истеҳзо билан гапирганлари ҳеч кимга сир эмас.

Албатта, «ЎзДЭУавто» каби йирик ишлаб чиқариш корхонасини барпо этиш, ички бозоримизни тўлдирадиган ва экспортга мўлжалланган замонавий енгил машиналарни ишлаб чиқариш, бу йўлда учрайдиган муаммоларни ҳал қилиш нақадар оғир ва мураккаб иш эканини ҳаммамиз ўз ҳаётий тажрибамизда яхши англаб олдик.

Лекин, шундай қийинчиликларга қарамасдан, корхона босиб ўтган беш йиллик қисқа тарихи давомида ўзининг мустаҳкам пойдеворини яратиб, шу вақт ичида 250 минг автомобиль чиқаргани, дунё бозоридаги мавжуд кучли рақобат шароитида 51 минг енгил машинани экспорт қилгани айниқса эътиборга моликдир.

Завод фаолиятини локализация қилиш, яъни маҳаллийлаштириш мақсадида бу улкан саноат комплекси буюртмаларини бажарадиган ўттизга яқин янги корхона ва ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилгани, минглаб янги иш ўринлари очилгани, бошқача айтганда, мамлакатимизда автомобилсозлик билан боғлиқ мутлақо янги тармоқ, бутун бир инфратузилма яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Энг муҳими, қисқа вақт мобайнида ўз ҳаётини мана шу завод билан боғлаб, нафақат ўз манфаат ва даромадини, балки бахт-саодатини ҳам шу ерда топаётган ўзбек автомобилсозларининг бутун бир авлоди шаклланиб келаётгани мени айниқса қувонтиради, кўнглимни янги-янги орзу-умидларга тўлдиради.

Менга катта мамнуният, катта қувонч бахш этаётган яна бир нарса шуки, бу заводни қуриш учун айнан Андижон заминини, қадимий Асака шаҳрини танлаганимиз, бамисоли узукка кўз қўйгандек иш бўлганини, замон, вақтнинг ўзи бу қарорнинг нақадар тўғри эканини тасдиқлаб турибди.

Бунинг натижасида нафақат Асака, балки бутун Андижон қиёфаси тубдан ўзгариб кетгани, бу замонавий корхона одамларимизнинг тафаккурига, бутун вужудига ижобий таъсир этиб, халқимизнинг ғурур ва ифтихорини уйғотиб юборгани биз учун алоҳида аҳамиятга эга.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, Андижоннинг мўътабар заминида мана шундай мўъжиза каби ноёб корхонани барпо этишда қатнашган, янги ишлаб чиқариш конвейерларини ишга туширишда, юксак янги технологияларни ўзлаштиришда фаол иштирок этган, заводнинг катта-кичик цехларида астойдил меҳнат қилаётган сиз — азизларга, барча қурувчи ва монтажчиларга, муҳандис ва мутахассисларга, ишчи ва хизматчиларга ўзимнинг самимий миннатдорлигимни, чексиз ҳурматимни билдириш мен учун катта бахтдир.

Мана бугун ўзининг бетакрор қиёфаси, шаклу шамойили билан, куч-қудрати ва замонавий илғор технологияси билан ўзгаларнинг ҳавасини келтираётган «ЎзДЭУавто» корхонасининг қисқа бир вақт — бир ярим йилда барпо этилган янги линиясидан «Матиз» деб ном олган, ҳар томонлама замонавий, харидорбоп енгил машиналар чиқа бошлаши — шунинг ўзиёқ бу ишлаб чиқариш корхонасининг истиқболи ва келажаги нақадар мустаҳкам ва ёруғ эканининг далилидир.

Бугунги воқеанинг маъно-мазмунига тўғри баҳо берадиган бўлсак — бу воқеа, авваламбор, юртимизда тинчлик ва осуда ҳаёт ҳукм сураётганининг исботидир.

Бугунги воқеа Ўзбекистонимизнинг дунёдаги ривожланган, тараққий топган демократик давлатлар қаторига кириш, улар эришган фаровон, эркин ва озод ҳаёт даражасига етиш, ҳеч кимдан кам бўлмасдан яшаш учун қўяётган дастлабки қадамлари, буюк мақсадлар сари қатъият билан бораётганимизнинг амалий тасдиғидир.

Бугунги эришган ёрқин ютуқларимизнинг асосий шарти ва гаровини барчамиз бизга, Ўзбекистонимизга, танлаган тараққиёт ва ислоҳотлар дастуримизга хорижий давлатлар, чет эл сармоядорларининг тобора ортиб бораётган ишончи ва умиди самараси, деб қабул қилишимизни истар эдим.

Ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор равишда тобора кучайиб бораётгани, унинг шиддат ва ишончли қадамлар билан ривож топаётгани, янги технологияларнинг ўзлаштирилиши, мамлакатимизда ўнлаб-юзлаб янги замонавий корхоналарнинг ишга туширилаётгани — буларнинг барчаси, биринчи навбатда, юртимизга чет эл инвестицияларининг кириб келиши, ҳамкорларимизнинг бизга бераётган кўмаги, ёрдами натижасидир.

Бу ҳақиқатни Корея давлати, Корея капитали, кореялик шерикларимиз билан ҳамкорлигимиз самарасида яққол кўриш мумкин.

Мана шундай замонавий «Нексия», «Дамас», «Тико»лар, бугунги «Матиз» русумли автомобилларни ишлаб чиқаради-ган, дунёнинг барча ҳудудларида обрў қозонган улкан заводнинг — бутун бошли бир мажмуанинг пайдо бўлиши, бу ҳеч кимга сир эмас — аввало, кореялик ҳамкорларимиз билан, «ДЭУ» корпорацияси билан бошлаган ва амалга оширган катта лойиҳанинг ҳосилидир.

Корея раҳбарияти, Корея банклари, Корея бизнес аҳлининг бизга, Ўзбекистонимизга билдирган ишончи натижасидир.

Мен фурсатдан фойдаланиб, аввало, бугунги маросимда иштирок этаётган Корея Республикаси савдо вазири жаноб Ду Юн Хванг, «ДЭУ Мотор» компанияси президенти жаноб Жонг Дэ Ли, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси жаноб Чанг Хун ва бошқа азиз дўстларимизга, олис Кореядан келиб, биз билан елкадош бўлиб меҳнат қилган, қувончу ташвишларимизга ҳамма вақт шерик бўлган барча корейс мутахассисларига ўз номимдан, бутун халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Биз муҳтарам меҳмонларимиздан Корея Республикаси Президенти Ким Дэ Жунг жанобларига, бутун корейс халқига самимий салом ва табрикларимизни етказишни илтимос қиламиз.

Ҳурматли дўстлар!

Ҳар биримиз учун қадрли бўлган истиқлол айёми арафасида янги-янги бино ва иншоотлар, равон йўллар, боғ ва хиёбонларнинг ишга туширилиши қутлуғ анъанага айланиб бормоқда.

Бугун бепоён юртимизнинг қайси шаҳар, қайси қишлоғига қадам қўймайлик, кўплаб ана шундай мустақиллик иншоотлари бунёд этилганига гувоҳ бўламиз. Уларнинг давлатимиз иқтисодий қудратини, халқимиз фаровонлиги ва маънавиятини янада оширишга хизмат қилиши муқаррар.

Ишончим комилки, она Ватанимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзиладиган бундай улуғвор ишларнинг бевосита иштирокчиси бўлиш таъбир жоиз бўлса, келажагимиз пойдеворини яратишга ўз ҳиссасини қўшиш ҳар биримиз учун улкан шараф, улкан бахтдир.

Барчангизга ана шу эзгу мақсад йўлида сиҳат-саломатлик, ғайрат-шижоат тилайман. Хонадонларингиздан тинчлик-омонлик, файзу барака аримасин, омад доимо ҳамроҳингиз бўлсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ

ҚАРОРИ

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИГА СТИПЕНДИЯЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА МИҚДОРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Талабаларнинг касб билимларини чуқур эгаллашларини рағбатлантириш ва ўзлаштиришини ошириш, мутахассислар тайёрлаш сифатини янада яхшилаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, олий ўқув юртларида стипендия тайинлаш ва тўлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 2001 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат грантлари бўйича ва тўлов-контракт асосида ўқитишнинг кундузги шаклида таълим олаётган олий ўқув юртларининг барча талабаларини (хорижий мамлакатлар талабаларидан ташқари) стипендия билан таъминлаш жорий этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, олий ўқув юртларига эга бўлган бошқа вазирликлар ва идоралар тўлов-контракт шаклида ўқитишнинг қиймати миқдорига ҳар ойда тўланадиган стипендия миқдорини албатта киритсинлар.

2. 2001 йил 1 сентябрдан бошлаб олий ўқув юртлари талабалари учун стипендияларнинг базавий миқдорлари белгилансин, талабаларнинг ўзлаштиришига қараб стипендияларга қуйидаги табақалаштирилган коэффициентлар жорий этилсин:

рейтинг бўйича энг юқори баллар (86 — 100 балл) — 1,0;

рейтинг бўйича юқори баллар (71 — 85 балл) — 0,75;

рейтинг бўйича ўртача баллар (55 — 70 балл) — 0,5.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси ва Беруний, Ибн Сино, Навоий ва Улуғбек номидаги Давлат стипендиялари олувчи талабаларга стипендиялар тайинлаш ва тўлашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда:

олий ўқув юртлари талабалари учун 2001/2002 ўқув йилида ўқиш қийматининг янги миқдорларини;

таълим муассасаларида стипендия тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Мазкур қарорнинг амал қилиши Вазирлар Маҳкамасининг «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 12 июндаги 253-сон қарорининг 2-бандининг тўртинчи хатбошида кўрсатилган ўқув юртлари ўқувчиларига жорий этилсин, бунда ўқувчилар ва талабалар стипендиялари миқдорларининг илгари амалда бўлган нисбати сақлаб қолинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда тегишли таълим муассасаларининг 2001 йил учун харажатлар сметасига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.Азимов ва Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 17 август

АНЖУМАН

МУСТАҚИЛ ҚОНУНЧИЛИК ОДИМЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ижтимоий масалалар ва бандлик ҳамда Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмиталари, шунингдек, Оила ва аёллар муаммолари комиссиясининг ўн йиллик фаолиятига ва парламентнинг бўлажак олтинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ишларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда аввало, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва мамлакатимизнинг равнақи ҳамда ривожланишида парламентнинг ҳам алоҳида ҳиссаси борлиги таъкидланди. Бинобарин, ўтган ўн йил мобайнида барча соҳалар бўйича аввалги собиқ иттифоқ тузуми қонунларидан тамомила фарқ қиладиган, янги моҳият, мазмун ва мақсадга эга, мустақил давлатнинг мустақил қонунчилиги ташкил топди. Олий Мажлиснинг қонунчилик фаолияти, аввало, мамлакатда чуқурлашиб бораётган жамиятимиз ҳаётининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва бошқа соҳаларидаги эркинлаштириш жараёнларини ўз вақтида ҳуқуқий тартибга солишга қаратилди.

Парламентнинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси фаолияти асосан Юртбошимиз томонидан инсон омилига бўлган эътиборни қўллаб-қувватлашга йўналтирилди. Шу давр мобайнида қўмита томонидан тайёрланган қатор қонунлар ҳамда Меҳнат ва Оила кодекслари сессияларда муҳокама этилиб, қабул қилинди.

Анжуманда Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг фаолияти асосан икки йўналишда олиб борилганлиги айтилди. Биринчидан, қўмита қонунчилик фаолияти билан бевосита шуғулланган бўлса, иккинчидан, қонунларнинг ижро этилишини ҳам назорат қилиб борди. 1995-2001 йилларда ушбу қўмита томонидан тайёрланган ўттизга яқин қонун қабул қилинди.

Қонунларни халқаро андозалар даражасида тайёрлашда АҚШ, Англия, Германия, Франция, Япония, Жанубий Корея каби қатор мамлакатлар тажрибасидан, халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг Тошкентдаги дипломатик муассасалари ва консуллик идоралари, Ташқи ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Олий Мажлиснинг қўмиталари, юқори малакали хорижий ва маҳаллий экспертлар, олимлар, амалиётчиларнинг ёрдамларидан ижодий фойдаланилди. Қўмита мажлисларини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича жойларга 23 та сафарлар қилинди, қўмита фаолиятига 87 вазирликлар, идоралар, жамоат бирлашмалари, илмий ва ўқув муассасаларининг 170 дан ортиқ мутахассислари ва олимлар жалб этилди.

Оила ва аёллар муаммолари комиссиясининг фаолияти тўғрисидаги эркинлаштириш жараёнларини ўз вақтида ҳуқуқий тартибга солишга қаратилди.

Парламентнинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси фаолияти асосан Юртбошимиз томонидан инсон омилига бўлган эътиборни қўллаб-қувватлашга йўналтирилди. Шу давр мобайнида қўмита томонидан тайёрланган қатор қонунлар ҳамда Меҳнат ва Оила кодекслари сессияларда муҳокама этилиб, қабул қилинди.

Анжуманда Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг фаолияти асосан икки йўналишда олиб борилганлиги айтилди. Биринчидан, қўмита қонунчилик фаолияти билан бевосита шуғулланган бўлса, иккинчидан, қонунларнинг ижро этилишини ҳам назорат қилиб борди. 1995-2001 йилларда ушбу қўмита томонидан тайёрланган ўттизга яқин

Матбуот анжумани олдингиларидан фарқли — ҳисобот тусида эмас, бевосита савол-жавоб тарзида ўтказилганлиги мулоқотнинг жонли, қизиқарли бўлишини таъминлади.

■ **Норбобо ШАКАРОВ**

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

ЎЗБЕК ТАБИАТИ

ТИНЧЛИКДА ЯШАШ ВА ТИНЧЛИКНИ АСРАШ ДЕМАК

Ҳаёт деганлари ўзи шу. Кимдир дунёга келади, кимдир бу ёруғ оламни тарк этади. Туғилиш абадий бўлганидек, қазо ҳам ҳақ ҳукмини ўтказаверади. Эл бошига кутилмаганда оғир мусибат келтирувчи ўт балосидан, сув балосидан, туҳмат балосидан, қирғинбаротдан асрасин. Одамларнинг эртаю кеч дуою тилаги битта: илоё тинчлик бўлсин, ҳар кимга ошини ошаб — ёшини яшаш, бу фоний дунёдан умргузаронлик қилиб ўтиш насиб этсин.

Истиқлол биз учун ҳаётимизни барча соҳаларда янгича асосларда ташкил этиш имкониятини яратди. Фавқулодда мураккаб вазифаларни бирин-кетин амалга ошириб келмоқдамиз. Мустақил ҳаётимиз барқарор изга тушди. Лекин, тўғрисини айтганда, кўпчилигимиз ана шу ўзгаришлар жараёнида мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини муқаррар бир ҳолатдек қабул қилдик. Элчилик, аксарият одамлар мустақиллик тинчлигимизни ҳам гўё ўз-ўзидан таъминлаб берадигандек кайфият таъсирида яшаётгани рост.

Мустақиллик — улуғ ҳодиса. Истиқлол туфайли эришган ютуқларимиз, тинч-осойишта ҳаётимиз моҳиятини янада теранроқ англаш учун, бу ўринда, коммунистик мафкура, шўролар истибдоди XX асрда бизни нималардан маҳрум этгани, халқимиз бошига қандай қулфатлар солганини эслаш ўринлидир. Келинг, ўтган ўн йилликларга бир назар солайлик:

Ўнинчи йиллар... Биринчи жаҳон уруши фожиалари. Мардикорликка қарши исён. Мардикорликда кечган сарсон-саргардонлик. Октябрь тўнтариши. Отани болага, акани укага қарши қайраган фуқаролар уруши.

Йигирманчи йиллар... Миллий озодлик ҳаракати фидойилари, шўролар тили билан айтганда, «босмачилар» ҳаракати иштирокчиларининг қириб ташланиши, мамлакатдан қувиб чиқарилиши. Мана шундай қарама-қаршилик туфайли бой берилган қанчаданқанча қурбонлар.

Руҳоний ва диндорлар таъқибга учради. Кўплаб мачит ва мадрасалар бузиб ташланди, хўжалик омборларига, отхоналарга айлантирилди. Муқаддас китоблар мусодара этилиб, йўқ қилиб ташланди. Очарчилик. Озиқ-овқат тақчиллиги. Бир бўлак нонга «карточка» тартиби.

Ўттизинчи йиллар... «Қулоқ» қилиш сиёсати оқибатида хусусий мулк эгалари хонавайрон қилинди. Инсон ҳуқуқлари поймол этилиб, зўравонлик авжига чиқди, минглаб одамлар ўлдирилди. Сибирга сургун қилинди. Қулфатлар бу билан чекланмади.

Халқимизнинг юзлаб асл фарзандлари «халқ душмани» тамғаси остида қатағон қилинди, истибдоднинг қурбонига айланди.

Қирқинчи йиллар... Жаҳоннинг қарама-қарши икки қутбга бўлиниши, шўро раҳбариятининг калтабин сиёсати туфайли ўзбек халқи бошига ҳам бемисл қулфат келтирган иккинчи жаҳон уруши. Фронтда ва фронт ортида хазон бўлган сонсиз-саноқсиз тақдирлар.

Эллигинчи йиллар... Сталин шахсига сиғиниш фош этилган бўлса-да, тоталитар режим ўз ҳукмини ўтказаверди. Зиёлилар, фан ва маданият арбоблари қатағон қилинди. Ойбек, Шайхзода, Миртемир каби ўзбек ёзувчилари ҳам миллатчиликда, ўтмишни идеаллаштиришда айбландилар.

Олтмишинчи йиллар... Хонадонларда чорва туёқлари чекланди. Отлар тортиб олинди. Одамларнинг куни маккажўхори нони ейишга қолди. Венгрия ва Чехословакияда озодлик ҳаракати қурол кучи билан бостирилди. Собиқ СССРда, жумладан, Ўзбекистонда бу ҳаракатга мойиллик билдирганлар, армия сафида қурол тутишни рад этганлар қатағон қилинди.

Етмишинчи йиллар... Қуролланиш пойгаси авж олдирилди. Мамлакат карахт қилиниб, ароққа чўмилтирилди. Ўзбекистонда пахта яккаҳокимлиги, аҳоли устидан сочилган заҳри қотил халқ учун мисли кўрилмаган азоб-уқубатга айланди. Бугун дунёни комига торта бошлаган Орол фожиаси кучайди.

Саксонинчи йиллар... Халққа фарзандлари ўрнига темир тобутлар «инъом» этган бемаъни Афғон уруши. Маъмурий-буйруқбозлик тизими ўз инқирозини, иқтисодий турғунликни хаспўшлаш мақсадида тўқиб чиқарган «Ўзбеклар иши», «Пахта иши» фожиалари. Фарғона, Тошкент, Андижон вилоятларида турли қора кучлар томонидан уюштирилган фитналар.

Қаранг-ки, бирон ўн йиллик тинч ўтмабди. Бирон ўн йиллик ялпи қирғин-қатағондан фориғ бўлмабди. Булар ҳали ҳаммаси эмас. Энг даҳшатлиси, халқнинг, миллатнинг руҳига қақшатқич зарба берилди, кўзининг ўти сўндирилди, юрагига кўрқув, онгига итоаткорлик михланди.

Худога минг қатла шукрки, миллатимиз, Ўзбекистон халқлари манфаатларига мос истиқлол сиёсати туфайли XX асрнинг сўнгги ўн йили мамлакатимиз учун халқ бошига ўтган асрда ёпирилган турли бало-қазолардан холи ўтди. Аслида халқ учун бундан ортиқ буюк неъмат бўлмайди.

Бу, энг аввало, юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ манфаатини давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб белгилаган Президент Ислом Каримовнинг саъйи ҳаракатлари, қатъий сиёсати самарасидир. Юртбошимизнинг нуфузли минбарлардан бир неча бор: «Мен учун Ватан озодлиги, халқимнинг омонлиги, юртимнинг равнақи, мана шу муқаддас заминимизда яшайдиган ҳар бир оиланинг фаровонлигидан бошқа олий саодат йўқ», дея айтган даъвати замирида ана шундай олижаноб мақсадлар мужассам.

Лекин бунёдкор меҳнат учун замин бўлиб келаётган бундай барқарорликка осонликча эришилаётгани йўқ. Демократик шароитда гўё мухолифатлик мақомида туриш орқали, мамлакат манфаатлари бир четда қолиб, манманлик ва тор доирадаги амалпараст, аламзада кимсаларнинг манфаатларини юзага чиқариш дарди-кўйида юртни нотинч қилиш, шўролар давридагидек одамларни қутбларга ажратишга бўлган уринишлар, «мен демократ, сен консерватор» дея даҳолик қилиш даъволари бизга нотаниш эмас.

Эътиқод эркинлигининг тоза ҳавосидан боши айланиб, етти отасига ёт мазҳаб ҳақидаги чала тушунчалари билан пешволик мартабасига от сурган, «мен мусулмонман, сен кофир» дея салкам пайғамбарлик рутбасига интилганларнинг бегоналар чилдирмасига ўйнаб қилган даъволари қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигига ҳам гувоҳ бўлдик.

Ўзи билиб-билмай, қилаётган ишининг моҳиятини охиригача тўғри англамай, юртимизга четдан кўз олайтираётганларнинг домига тушиб қолган айрим ёш йигитлар аслида мана шундай найранглар қурбонидир.

Одамзод табиати қизиқ. Керакли нарсани доим ҳам борида қадрига етавермайди. Ўйланиб қоласан киши. Наҳотки, тинчлик қадрига етиш учун уни йўқотиш керак? Наҳотки, кечмиш ҳаёт, тарихий фожиалар сабоқ бўлмайди? Наҳотки, мустақиллик қадрига етиш учун шахсан ўз бошига мусибат тушиши, азоб-уқубат тортиши, уни тиғ билан қўлга киритиши керак? Миллат дарду қайғусида йиллар давомида тўкилиб келган қонлар кифоя эмасми?!

Аммо ҳаёт шуни кўрсатяптики, дунё эшиклари кенг очилган бугунги замонда мамлакатда тинчлик ва осойишталик мустаҳкам қарор топишида ҳар бир фуқаронинг ўз масъулияти, ватанпарварлик бурчини нечоғлик теран англаши, айниқса, муҳимдир. Эл-юрт тинчлиги — бу фақат сарҳадлар тинчлиги дегани эмас. Бу, энг аввало, инсоннинг яхши ниятлар билан яшаётганининг ифодаси бўлган кўнгил тинчлигидир. Эл-юрт тинчлиги — бу оила, хонадон тинчлигидир. Эл-юрт тинчлиги — бу ҳар қайси фуқаро мансуб бўлган жамоадаги соғлом муҳит, катта ё кичик бўлсин, ҳатто иккита одамга бош бўлган раҳбарнинг адолати дегани.

Одамзод бор экан, ҳаёт қийинчиликлари, турмуш ташвишлари ниҳоя билмайди. Атоқли шоиримиз Эркин Воҳидов ёзганидек: «Заҳматинг битмайди доим, ҳеч қачон битган эмас». Ижтимоий муаммоларни мамлакат миқёсида ҳал этиш чора-тадбирлари кўрилган тақдирда ҳам шахсий муносабатлардан ўсиб чиқиб, ижтимоий аҳамият касб этувчи муаммолар учраб туради. Бўлмаса одамзод лисонида Яхшилик, Эзгулик, Тинчлик, Ҳавас каби сўзлар аллақачон ёлғизланиб қолиб, Ёмонлик, Қабоҳат, Уруш, Ҳасад каби сўзлар маънисиз бир тушунчага айланарди.

Халқимиз азалдан оилапарвар, серфарзанд, болажон халқ. Унинг меҳнатсеварлиги фарзандларига бўлган ғамхўрликдан, тинчликсеварлиги уларнинг эртанги куни тўғрисида қайғуришидан, ватанпарварлиги азал-азалдан ўтроқ ҳаёт кечириб, туз еган тупроғига кўнгил қўйганидан. Болам деган, набирам деган инсон хонадони, кенг маънода, Ватани нотинч бўлишига асло йўл қўймайди. Тинчликда яшаш, тинчликни асраш, ҳаётга сабр-бардош билан донишмандларча (худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади) фалсафий қараш — бу ўзбек табиати.

Яна шуниси ҳам борки, унинг меҳнатсеварлик, тинчликпарварлик табиати баҳри очиқлик, ишонувчанлик фазилати билан уйғун бўлиб кетган. Ойда деҳқончилик қилса бўлар экан, деса кетмонини елкалаб сафарга отланиш одати ҳам йўқ эмас. Ҳароб жойни обод қилсам, обод жойни кенгайтирсам, дейди. Таассуфки, ғаразли ниятдаги ёт кучлар ҳамиша унинг мана шу фазилати — ишонувчанлигини суиистеъмол қилиб келган. Буни ҳаётимизда сўнгги йилларда рўй берган айрим ҳодисалар, дилимизга оғир изтироб солган, кўзимизни очган Февраль воқеалари мисолида кўрдик.

Бугун шу нарса яққол аёнки, ўзбек табиатини фавқулодда кескин ўзгаришлар жараёнида айрим имон-эътиқоди суст, бегона таъсирларга тушиб қолганлар томонидан содир этилган адашишлар белгиламайди. Ўзбек табиатини ҳамон эскича қарашлар таъсиридан қутула олмаётган, тор манфаатлар қобиғидан чиқиб кета олмаётган айрим тўраларнинг адолатсизлиги ҳам белгиламайди.

Ўзбек табиатини тарихан ғоят қисқа ўн йил ичида Ўзбекистонни оёққа қўйган, жаҳонга танита олган, кундалик оддий меҳнати билан ҳаётга файз киритаётган фидойи, кўзи очиқ инсонларнинг бунёдкорлик, тинчликсеварлик, ҳалоллик каби фазилатлари безаб турибди. Ҳаётимиздаги янгиланишлар, одамлар онгида рўй берган ижобий ўзгаришлар бунга ёрқин мисолдир. Энди халқимиз кимга суяниш, кимга ишониш кераклигини, ким дўсту ким душман эканини ҳам яхши англаб олди. Мустақиллигимизнинг ўн йилида қўлга киритилган энг катта ютуқларимиздан бири ҳам, менимча, аслида мана шу!

■ Саъдулла ҲАКИМ

Ҳуқуқий давлат қуриш ибораси матбуот нашрлари, қолаверса, умумий сўзлашувимизда акс эта бошлаганига ҳам ўн йилча бўлиб қолди. Аммо ҳали-ҳануз на ўзининг, на ўзганинг ҳуқуқини англаб ололмаганларни учратиб қолганимда ачиниб кетаман. Айниқса, бундай кишилар орасида каттакичик лавозимларни эгаллаб турган раҳбарларнинг борлигидан ачинасан. Ҳўш, бундай ҳуқуқий саводи етарли бўлмаган раҳбарларнинг у бошқараётган жамоага қай таҳлит зиёни тегади? Маънавийми, ҳуқуқийми ёки иқтисодий?

«РАҲБАРНИНГ НОҚОБИЛИ...»

Аниқроқ айтганда, бундай раҳбар жамоага учала томондан ҳам зарар етказади. Раҳбар ўзи бошқараётган жамоага рамзий маънода «ота» ҳисобланади. Балки, унга нисбатан «ноқобил» сўзини қўллаш мумкин эмасдир. Бироқ, масаланинг тагин бир нозик жиҳати бор. Биз қайси амалда, қай бир лавозимда ўтирмайлик, ўзимизни улуғ халқнинг фарзанди ҳисоблашимиз ва катта ё кичик жамоанинг муносиб раҳбари бўлишга ҳаракат қилишимиз керак.

Раҳбарки ўзи бошқараётган ташкилот хазинасини жаримага «нишон» қилиб қўйса ёки қўл остидаги кишиларнинг эртаси ҳақида ўйламаса ноқобил бўлади-да!

Айни пайтда Андижон вилоятида 87 та қўшма корхона, 78 та хўжалик бирлашмалари, 409 та очиқ-ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятлари фаолият юритаётир. Улар вилоят адлия бошқармаси томонидан рўйхатга олинган.

Ўтган вақт давомида ана шу ташкилотларнинг аксарияти «Текширишларни мувофиқлаштириш вилоят ҳудудий комиссияси»нинг рухсати асосида ўз низомларига қай тарзда амал қилиш ҳолатлари ўрганилди. Бу жараёнда айрим қўшма корхоналарнинг иш фаолиятида бир қанча амалдаги қонунларга риоя қилмаслик ҳолатлари аниқланди. Масалан, биринчи ярим йилликда бошқарма томонидан 60 та хўжалик субъектларида текширишлар ўтказилди. Натижада судларга 485 та даъво ариза киритилди. Шунингдек, қонун бузилишларнинг олдини олиш мақсадида судларга 72 та тақдимнома киритиб, қўлланилган жарималар миқдори 1.470 минг сўмни ташкил этиб, давлат хазинасига ўтказилди.

Мисол тариқасида юқоридаги салбий ҳолатлар ҳукм сурган ташкилот ва корхоналар фаолияти хусусида тўхталадиган бўлсак, энг аввало уларда ишлар ўлда-жўлда эканлигига гувоҳ бўламиз. Бундай корхоналардаги фаолиятни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сонли «Молия хўжалик фаолиятини амалга ошираётган ва қонунчиликда белгиланган муддатда ўз устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида»ги қарорига асосан давлат рўйхатидан чиқарилди. Молия хўжалик фаолиятини ўтган олти ой ва ундан ортиқ муддатда амалга оширмаган қўшма корхоналар ҳозирги кунда тугатилиш жараёнида. Хўш, нега? Бир нарса аниқки, таназзулга юз тутаётган бу корхоналарда тузилган шартнома ва ҳужжатлар энг аввало қонун доирасида бўлмаган. Кўр-кўроналик ёки раҳбарлар саводсиз бўлган. Олайлик, оддийгина ҳуқуқий саводхонлик етишмаганлиги туфайли кадрлар бўлимида ишлар ўлда-жўлда. Биринчидан, бир неча ходимлар меҳнат қонунларига зид равишда, меҳнат дафтарчаларсиз ишга олинган. Ҳужжатлар эса «Давлат тили тўғрисида»ги Қонун талабларига зид — рус тилида юритилган. Шу боисдан вилоят адлия бошқармаси жорий йил давомида яна 5 та хорижий инвесторлар иштирокидаги корхоналарда таъсис ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан текширишларни ўтказди. Текшириш натижаларига кўра, қонун бузилишлар аниқланди ва уларни келтириб чиқарган оқибатларни бартараф этиш юзасидан тақдимномалар киритилди. Шунингдек, йил бошидан буён таъсис ҳужжатларига риоя қилмаган баъзи акциядорлик жамиятларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 22 мартдаги 153-сонли «Хўжалик бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги низомини тасдиқлаш тўғрисида»ги қароридан келиб чиқиб, 1.470000 сўм жарима қўлланилди. Жарималар давлат фойдасига тегишли судлар орқали ундирилди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Башарти, вақти келиб катта миқдордаги жарималар жавобгар шахснинг ўзидан ундирилса, ҳеч шубҳасиз, раҳбар қонун талабларига жонжаҳди билан риоя қиларди. Бор-ди-ю, бошлиқнинг ҳуқуқий саводсизлиги ёхуд қонунларга беписанд қарашидан жамоанинг «умумий қозони»га зиён етса, демак, у юқорида номлаганимиздек ноқобил раҳбардир.

Демак, айни ҳолатлардан кўриниб турибдики, жойларда барча тур ва тоифадаги раҳбарлар ҳуқуқий тарғибот ишларига эътиборни кучайтиришлари керак. Токи, судлашаётган томонлар ҳуқуқлари, имтиёзлари билан бирга зиммасида мажбуриятлари, бурчлари борлигини ҳам билишсин.

■ **Абдураҳим ТУРҒУНОВ,**
Андижон вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

ХАЙР ОРОМГОҲ, САЛОМ МАКТАБИМ!

Ёз ойларида ким қандай дам олишни ёқтиради билмадим-у, лекин болажонлар оромгоҳлар бағрида ўтказган кунларини умр бўйи эслаб юришлари табиий. Биз буни Паркент туманидаги «Бойчечак» болалар оромгоҳида бўлганимизда яна бир бор ҳис этдик.

— Оромгоҳимиз соғломлаштириш масканларидан саналади, — дейди болакайлар гўшаси раҳбари Клара Султонова. — Маълумки, бу йилги ёз нисбатан ҳароратли кечди. Шунга қарамай, болажонлар соя-салқин, боғ-роғларга бурканган оромгоҳда ўзларини тетик ва бардам ҳис этдилар. Кунлик ҳаракат ва овқатланиш тартибига қатъий риоя қилинди. Хусусан, болажонларга олти маҳал дастурхон ёзилди. Уларга гўштли, сутли ва мева-чеваларга бой ноз-неъматларни узлуксиз бериб турилишида туман ҳокимлиги ташаббуси билан жойлардаги аксарият ширкат хўжаликлари мададларини аяшмади. Албатта, болаларни жисмоний тарбия ва овқатлантириш билан чеклаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам кунора қизиқарли кинолар, цирк томошалари, концертлар уюштириб турилди. Бир сўз билан айтганда, «Бойчечак»да бўлган болажонлар унутилмас таассуротлар билан қадрдон мактабларга ошиқиб турибдилар.

■ **Мунира НУРМАТОВА**

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Ўзбекистон ХДП Андижон ва Янгийўл шаҳар ҳамда Норин туман кенгашларида, давлатимиз мустақиллигининг 10 йиллигини муносиб кутиб олиш масалаларига бағишланган фаоллар йиғилишлари бўлиб ўтди.

✧✧✧

Байрам арафасида ўтаётган турли учрашув, суҳбатларда ХДПдан сайланган депутатлар фаол иштирок этмоқдалар. Чунончи, Қашқадарё вилояти партия кенгаши биринчи котиби, Олий Мажлис депутати Ф. Омонов мазкур вилоят хўжалик суди ходимлари билан бўлиб ўтган мулоқотда ислоҳотлар ва уларнинг натижалари тўғрисида сўзлади.

Сирдарё вилояти халқ депутатлари Кенгашига ХДПдан сайланган М.Алимқулов ва А. Жонибековлар байрам арафасида ўз сайловчилари билан учрашиб, мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллиги, Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақида суҳбатлашдилар.

✧✧✧

Ўзбекистон ХДП Чилонзор туман кенгаши «Олмазор» маҳалласи ҳудудий бошланғич партия ташкилоти негизида Ўзбекистон мустақиллиги 10 йиллигига бағишланган «Асрга татигулик йиллар» мавзуида, партия фаоллари йиғилишини ўтказди.

✧✧✧

ХДП Гўзалкент туман кенгаши мустақилликнинг биринчи йилида оила қурганлар учрашувини ташкил этди. Унда мазкур туман партия кенгаши биринчи котиби Н. Тўраев, хотин-қизлар қўмитаси раиси М.Омонова йиғилганларни самимий қутлаб, истиқлол даврида давлатимиз томонидан оилаларни мустаҳкамлаш йўлида олиб борилган ишлар тўғрисида сўз юритдилар.

Ўз навбатида учрашув қатнашчилари О. Бердиқулова, Х. Сувоновлар ХДП туман партия кенгашининг бу ташаббусидан мамнунликларини билдириб, шундай учрашувларни мунтазам равишда ўтказишни таклиф этдилар.

✧✧✧

Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгаши ходимлари мустақилликнинг 10 йиллиги олдидан эълон қилинган шанбаликда фаол иштирок этдилар.

✧✧✧

ХДП Марғилон шаҳар кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармаси шаҳар бўлими билан ҳамкорликда барча маҳалла фуқаролар йиғинлари ўртасида «Ўзбекистоним — Ватаним маним» шиори остида кўрик-танлов ўтказди. Беллашув Марғилон марказидаги «Маданият ва истироҳат» боғида якунланди. Ғолибликни қўлга киритган «Ёвқочар», ва «Саховат» маҳаллалари фаолларига ХДП Марғилон шаҳар кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

✧✧✧

Шунингдек, бошланғич партия ташкилотлари ташаббуси билан, истиқлол байрамига бағишланган тадбирлар Наманган шаҳар маиший техникани созлаш корхонасида, Қорақўл туманининг «Қозоқ» қишлоқ фуқаролар йиғинида, Янгиқўрғон тумани «Хадикент» ширкат хўжалигида, Сирдарё тумани алоқа бўлимида ҳам бўлиб ўтди.

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР

ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши билан ҳамкорликда «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» мавзуида, Касби, У. Юсупов, Баҳористон туманлар ёшларининг вакиллари билан қатағон қурбонларини ёд этиш кунига бағишлаб, учрашув ўтказди.

✧✧✧

Ўзбекистон ХДП Навоий шаҳар кенгашининг ташаббуси билан, шаҳар ҳокимлиги ва Навоий вилоят адлия бошқармаси ҳамкорлигида «Ёшлар орасида диний экстремизм ва гиёҳвандлик билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш» мавзуида, семинар-кенгаш ўтказилди. Унда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, мактаб директорлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва посбонлари, олий ўқув юртларининг маънавият ишлари бўйича ректор ўринбосарлари ҳамда бошланғич партия ташкилотларининг котиблари қатнашдилар. Музокараларда вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари М.Тилавов, шаҳар ҳокимининг ўринбосари Р. Ҳакимова, шаҳар прокурори муовини И. Каримов, ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари А. Ўроқов, вилоят наркология диспансерининг ходими Н. Рўзиев, «Ишонч» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Б. Мирсолиев, Ўзбекистон ХДП Навоий шаҳар кенгашининг биринчи котиби У.Мусаев ва бошқалар иштирок этдилар.

✧✧✧

Ўзбекистон ХДП Ғаллаорол туман кенгаши, туман ҳокимлиги, «Маънавият ва маърифат» маркази билан биргаликда мустақиллик байрами олдидан ташвиқот гуруҳи тузиб, барча қишлоқларда «Мустақиллик — буюк неъмат», «Ўз уйингни ўзинг асра», «Соғлом авлод — келажак пойдевори», «Шу азиз Ватан — барчамизники», «Маънавият — қалбим қуёши», «Давр ва ёшлар» мавзуларида мулоқотлар ўтказмоқда. «Ҳовузбулоқ», «Қиличмозор», «Работ», «Угат» қишлоқлари аҳолиси билан бўлиб ўтган учрашувлар савол-жавобларга бой, жуда мазмунли ўтди.

✧✧✧

ХДП Қўшкўпир туман кенгаши чегара ҳудудларида яшовчи «Амирқум» ширкат хўжалиги аҳолиси учун маданий-маърифий кеча ташкил этди. «Барқарорлик, дўстлик, ҳамкорлик» шиори остида ўтган тадбирда, чегарачилар, Хоразм вилояти ички ишлар идоралари ва божхона ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, бошланғич партия ташкилотлари котиблари ҳамда қўшни туркман халқи вакиллари қатнашдилар.

✧✧✧

Ўзбекистон ХДП Бекобод туман кенгаши, Республика Президенти И. А. Каримовнинг «Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш — тараққиёт гарови» мавзуидаги нутқини тарғиб қилиш мақсадида, туман тадбиркорлик тузилмаларида мулоқотлар уюштирди.

Учрашувларда туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Ғ. Бўрибоев, ҳоким ўринбосарлари, туман партия кенгаши сайланма органлари ҳамда тарғибот-ташвиқот гуруҳлари аъзолари иштирок этдилар.

✧✧✧

Косонсой тумани Марказий касалхонаси ҳудудий партия ташкилоти ташаббуси билан «Йил ҳамшираси» кўрик-танлови ўтказилди. Танлов иштирокчиларининг барчаси — ХДП аъзолари. Туман партия кенгаши танлов ғолибларини фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан мукофотлади.

✧✧✧

ХДП Тўрақўрғон туман кенгаши деҳқон бозори бошланғич партия ташкилотида «Қомусимиз — ғуруримиз, номусимиз» мавзуида, «давра суҳбати»ни уюштирди. Унинг ниҳоясида, бир гуруҳ ХДП аъзоларига партия билетлари топширилди.

✧✧✧

Ўзбекистон ХДП Қўқон шаҳар кенгаши, «Тадбиркор аёл» ишбилармон аёллар уюшмаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларда она-заминга муҳаббат туйғусини кучайтириш, уларни спортга жалб этиш, илғор техника воситаларидан кенгроқ фойдаланишларини таъминлаш, шунингдек, ёш авлодни қўллаб-қувватлашга қаратиш мақсадида ўзаро ҳамкорлик шартномасини имзоладилар.

✧✧✧

Олий ўқув юртларини тугатган ёшлар билан учрашувлар ўтказиш ХДП Жондор туман кенгашида анъанавий тус олган.

«Орзулар ушалган кун» деб аталган, навбатдаги учрашув ёш мутахассисларни ташвишу қувончи, долзарб муаммоларини юзага олиб чиқди. Очиқ тарзда ўтган мулоқот ҳеч кимни бефарқ қолдирмади.

✧✧✧

«Замонамиз ёшлари» деб номланган учрашув Ҳамза тумани «Бинокор» маҳалласи бошланғич партия ташкилоти томонидан ўтказилди.

Унда ХДП Ҳамза туман кенгаши Ш. Файзиев сўзга чиқди.

✧✧✧

ХДП Избоскан туман кенгаши, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари туман бўлимлари ҳамкорлигида ўтказган учрашув ҳам ёшлар муаммоларига бағишланди. Унда сўзга чиққан партия фаоллари, жамоат ташкилотлари вакиллари ёшларни иш билан таъминлаш, уларни нодавлат ташкилотлар фаолиятига жалб этиш, ўсмирлар учун алоҳида ўқув ва спорт марказлари ташкил этиш каби таклифлар киритдилар.

✧✧✧

«Ёшлар маънавиятида миллий қадриятларимиз ўрни» мавзуидаги семинар ХДП Марҳамат туман кенгаши томонидан ташкил этилди. Унда иштирок этган тумандаги барча «Маънавият ва маърифат» марказларининг раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғини раислари, бошланғич партия ташкилотлари котиблари ёшларнинг ички маънавий етуклигини юксалтириш муаммолари ҳақида фикр алмашдилар.

✧✧✧

ХДП Олтинкўл туман кенгаши туман хотин-қизлар қўмитасига «Она ва бола» давлат дастурини амалга оширишда доимо кўмаклашиб келмоқда. Ёш оналар кўрик-танлови, «Оила — оламнинг остонаси», «Она меҳри — туганмас» каби ҳамкорликда ўтказилган тадбирлар бунга мисол бўла олади.

ИЧКИ ПАРТИЯВИЙ ИШЛАР

ХДП Булоқбоши туман кенгаши, «Найман» номли ҳудудий бошланғич ташкилоти негизида, партиявий интизомни мустаҳкамлаш, унинг сафларини ёшлар ҳисобига ўстириш, партия ташкилотларининг давлат идоралари, корхона, хўжаликлар маъмурияти ва жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлиги масалалари юзасидан семинар-кенгаш ўтказди. Унинг сўнггида, ХДП сафига кирган 13 нафар фуқарога, партия билетлари топширилди.

✧✧✧

ХДП Улуғнор туман кенгаши ўтказган «Котиблар куни»да оммавий сиёсий тадбирларнинг мазмундорлигини ошириш, тарғибот-ташвиқот гуруҳлари фаолиятини яхшилаш, партиядан сайланган депутатларга амалий ёрдам кўрсатиш масалалари муҳокама этилди.

✧✧✧

ХДП Собир Раҳимов туман кенгаши аҳоли истиқомат жойлари, корхона, ташкилотлар ва тиббиёт муассасаларида, партия сафларига янги аъзоларни қабул қилиш мақсадида, тарғибот ишларини кенг кўламда олиб бормоқда. Бу ишлар натижасида тумандаги 54-шифохонанинг 22 нафар ходими ва «Мевазор» маҳалласининг 10 нафар фуқаролари ўз тақдирларини Ўзбекистон ХДП билан боғладилар.

✧✧✧

ХДП Фарғона шаҳар кенгаши ижроия бюросининг навбатдаги йиғилишида «Ҳудудий партия ташкилотлари қўлами ва фаолиятини кенгайтириш» тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Йиғилишда «Маҳалла» жамғармаси Фарғона шаҳар бўлими раиси ва маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган бошланғич партия ташкилотларининг котиблари қатнашдилар.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

ХДП ХАБАРЛАРИ

ШУ КУНЛАРДА

UZBEKISTAN airways

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ҲАВО КЕМАЛАРИНИНГ 2001 ЙИЛ 27 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН

ҲАРАКАТ ЖАДВАЛИ

ҲАВО АЛОҚАЛАРИ БОШ АГЕНТЛИГИ

ХАЛҚАРО РЕЙСЛАР

ЙЎНАЛИШ	Рейс рақами	Бажариш кунлари	Тошкент а/пдан учиши	Манзил а/пга қўниши	Рейс рақами	Манзил а/пдан учиши	Тошкент а/пга қўниши	Ҳаво кемаси русуми
АМРИТСАР	HY-441	1	10-00	12-50	HY-442	13-50	15-40	B-757
АМРИТСАР	HY-443	2	09-35	12-40	HY-444	13-20	14-30	RJ-85
АМРИТСАР	HY-445	5	09-20	12-10	HY-446	13-10	15-00	B-757
АМРИТСАР	HY-447	3 (4)	21-00	00-05+1	HY-448	01-25	03-45	RJ-85
АМРИТСАР	HY-449	1 (2)	22-00	01-05+1	HY-450	03-10	05-30	RJ-85
ПАРИЖ	HY-251	2	16-45	21-00	HY-252	22-25	07-55+1	A-310
ПАРИЖ АМСТЕРДАМ	HY-253	5	14-40	18-55	HY-254	21-00 22-35	21-50 07-50+1	A-310
РИМ АФИНА	HY-265	4	04-45	08-45	HY-266	10-00 14-05	12-50 21-20	B-757
АФИНА РИМ	HY-257	1	02-55 07-55	06-40 08-45	HY-258	10-00	19-10	B-757
БАНГКОК БАНГКОК	HY-531 HY-533	1,4 (2,5) 3,6	22-20 10-40	06-20+1 18-40	HY-532 HY-534	07-40 20-00	12-00 00-20+1	A-310 A-310
БАҲРЕЙН	HY-343	4	18-30	20-30	HY-341	22-00	03-45+1	ТУ-154
ДАККА	HY-461	1 (2)	21-40	03-00+1	HY-462	11-45	15-10	ИЛ-62
ДАККА	HY-463	3	09-30	14-50	HY-464	23-30	02-00+1	ИЛ-62
ДЕҲЛИ	HY-421	1 (2)	23-00	02-30+1	HY-422	11-00	13-30	ИЛ-62
ДЕҲЛИ	HY-423	3	10-00	13-30	HY-424	15-00	17-30	ИЛ-62
ДЕҲЛИ	HY-427	5 (6)	05-50	09-20	HY-428	05-20	07-50	ИЛ-62
ДЕҲЛИ	HY-429	6 (7)	12-00	15-30	HY-430	01-30	04-00	ИЛ-62
ДЕҲЛИ	HY-431	7	04-30	08-00	HY-432	12-00	14-30	B-757

ЙЎНАЛИШ	Рейс рақами	Бажариш кунлари	Тошкент а/пдан учиши	Манзил а/пга қўниши	Рейс рақами	Манзил а/пдан учиши	Тошкент а/пга қўниши	Ҳаво кемаси русуми
КУАЛА-ЛУМПУР КУАЛА-ЛУМПУР	HY-551 HY-553	1 3	21-40 10-30	07-45+1 20-35	HY-552 HY-554	09-15 22-05	13-30 02-20+1	A-310 A-310
ЛОНДОН	HY-201	2,4,5,7	16-35	20-00	HY-202	21-15	07-50+1	B-767
ЛОНДОН	HY-203	6	10-35	14-00	HY-204	15-25	03-05+1	B-767
ЛОНДОН	HY-205	1	17-40	21-05	HY-206	22-15	08-50+1	B-757
КИЕВ НЬЮ-ЙОРК КИЕВ	HY-101	5,7	07-35 11-40	10-10 15-30	HY-102	18-00 12-05	10-25+1 18-05	B-767
БИРМИНГЕМ НЬЮ-ЙОРК БИРМИНГЕМ	HY-103	2	07-00 12-00	10-30 15-30	HY-104	18-00 07-50	06-20+1 18-30	B-757
ОСАКА	HY-525	5 (6)	22-35	09-55+1	HY-526	12-00	16-25	B-757
ПЕКИН	HY-501	3,7	12-55	21-15	HY-502	22-45	01-55+1	A-310
ПЕКИН 31.08 дан	HY-501 A	5	08-00	16-40	HY-502 A	15-10	21-00	A-310
СЕУЛ	HY-511	1	22-50	09-15+1	HY-512	10-15	13-40	B-767
СЕУЛ	HY-513	3	09-55	20-20	HY-514	21-50	01-15+1	B-767
ИСТАНБУЛ	HY-271	4	08-55	12-05	HY-272	13-35	19-55	A-310
ИСТАНБУЛ	HY-273	7	18-00	21-10	HY-274	22-40	05-00+1	A-310
ТЕЛЬ-АВИВ	HY-301	1,4	06-10	08-30	HY-302	10-00	17-35	A-310
ТЕЛЬ-АВИВ	HY-303	2	17-55	21-15	HY-304	22-45	05-20+1	A-310
ФРАНКФУРТ	HY-231	1,4	06-50	10-25	HY-232	11-40	20-40	B-767
ФРАНКФУРТ	HY-233	2	15-30	19-05	HY-234	20-05	05-05+1	B-767
ШАРЖА	HY-331	4	08-00	10-40	HY-332	12-10	18-40	A-310
ШАРЖА	HY-333	7	14-40	19-10	HY-334	20-40	01-00+1	A-310

МДҲ ШАҲАРЛАРИГА РЕЙСЛАР

АЛМАТА	HY-761 HY-763 HY-765 HY-769	1,3,6 2,4 5 7	09-40 07-15 13-55 06-10	13-20 10-55 17-35 09-50	HY-762 HY-764 HY-766 HY-770	14-20 11-55 19-05 10-50	14-10 11-45 18-55 10-40	RJ-85 RJ-85 RJ-85 RJ-85
АШХОБОД	HY-771 T5716	6 3	19-00 07-20	21-00 09-20	HY-772 T5715	22-00 04-00	23-40 05-50	RJ-85 B-737
БОКУ	HY-755 ЙК-202	2,5 6	12-55 17-45	16-15 20-05	HY-756 ЙК-201	17-45 10-00	20-30 12-05	RJ-85 ТУ-154
БИШКЕК	HY-775 HY-777 HY-779 HY-781 HY-787 K-262	1 2 3 7 4,5 6	12-45 07-30 10-00 06-05 07-00 18-45	15-00 10-30 13-00 08-20 09-15 21-05	HY-776 HY-778 HY-780 HY-782 HY-788 K-261	16-00 11-30 14-00 09-20 10-15 11-20	16-20 12-40 15-10 09-40 10-35 11-40	RJ-85 AH-24 AH-24 AH-24 RJ-85 ЯК-40
ЕКАТЕРИНБУРГ	HY-661 HY-663 У62962 У62962	4 1 2 6	08-40 10-45 13-15 15-00	12-30 15-00 16-55 18-50	HY-662 HY-664 У62961 У62961	14-30 16-40 09-00 10-50	16-10 18-35 10-40 12-35	ТУ-154 ТУ-154 ТУ-154 ТУ-154
ЕРЕВАН	P3978	5 (4)	02-15	05-45	P3977	21-00	00-15+	ТУ-134
ҚОЗОН	HY-649 ТЛ-550	1 3	10-20 16-00	13-00 18-45	HY-650 ТЛ-549	15-00 10-05	19-20 14-40	ТУ-154 ЯК-42
ҚАРАҒАНДА	HY-783 HY-785	1 (2) 3 (4)	22-40 23-00	02-40 03-00	HY-784 HY-786	04-10 04-30	04-10 04-30	RJ-85 RJ-85
КИЕВ	HY-101	5,7 (1,6)	07-35	10-10	HY-102	12-05	18-05	B-767
КРАСНОДАР	HY-641	6	09-00	12-00	HY-642	13-30	18-05	ТУ-154
КРАСНОЯРСК	HY-683 7Б584	2 (3) 6	16-20 17-25	23-00 23-50	HY-684 7Б583	02-00 13-00	02-50 13-35	ТУ-154 ТУ-154

МОСКВА (Шрм-1)	HY-601 HY-603	ҳар куни 1,4	19-00 07-25	22-20 10-45	HY-602 HY-604	23-50 12-15	04-45+ 17-10	A-310 B-767
МИН.ВОДЫ (Урганч орқали)	HY-645 МИ6316	4 2	08-10 19-30	13-00 21-40	HY-648 МИ6315	14-30 14-00	20-55 18-00	ТУ-154 ТУ-134
МИНСК	B21876	7 (6)	06-10	09-05	B21875	17-10	23-55	ТУ-154
НОВОСИБИРСК	HY-667 HY-667	4 7	06-30 07-10	12-00 12-00	HY-668 HY-668	13-50 13-50	15-40 14-55	ИЛ-86 ТУ-154
ОМСК (Андижон орқали)	HY-679	5 (6)	14-10	21-35	HY-680	01-35	05-05	ТУ-154
ПЕРМЬ	9Д3184	3 (2)	02-00	06-15	9Д3183	22-00	00-15+	ТУ-134
РОСТОВ	HY-637 HY-639 Д9650	5 7 2	14-00 11-15 20-30	16-45 14-00 00-35	HY-638 HY-640 Д9649	19-00 16-15 14-30	23-15 20-30 19-00	ТУ-154 ТУ-154 ТУ-154
САМАРА	HY-653 E55342	4 1 (7)	08-05 03-15	11-30 06-35	HY-654 E55341	13-30 22-30	16-40 01-45+	ИЛ-86 ТУ-134
С.ПЕТЕРБУРГ	HY-631 ПЛ872	2 7 (6)	17-30 01-50	21-35 05-35	HY-632 ПЛ871	23-35 19-00	05-30+ 00-20+	B-767 ТУ-154
СИМФЕРОПОЛЬ	HY-747 HY-749	7 5	08-30 10-10	11-20 13-00	HY-748 HY-750	13-25 15-00	20-05 21-40	ИЛ-86 ИЛ-86
ТЮМЕНЬ (Андижон орқали)	HY-691	2 (3)	18-35	01-50	HY-692	03-00	08-20	ТУ-154
УФА (Бухоро орқали)	HY-657 HY-659	2 5 (6)	16-35 15-55	20-45 22-25	HY-658 HY-660	23-50 00-25	01-45+ 04-55	ТУ-154 ТУ-154
ХАБАРОВСК	HY-687	2 (4)	20-00	09-30	HY-688	17-00	18-50	ИЛ-62
ЧЎЛПОНОТА	K262+	4,6	12-40	15-35	K261+	16-40	17-45	ЯК-40
ЧЕЛЯБИНСК	HY-675	4	09-10	13-00	HY-676	15-30	17-15	ТУ-154

МАҲАЛЛИЙ АВИАЙЎНАЛИШЛАР

АНДИЖОН	HY-1421 HY-1423 HY-679 HY-1425 HY-1433 HY-1427 HY-1429 HY-691 HY-1431	1,2,5,6,7 1,2,3,4,6 5 (6) 1,6,7 3 (4) 1,3,4,5,6,7 2,7 2 (3) 1,4,7 (1,2,5)	08-45 11-10 14-10 14-30 14-30 16-10 18-00 18-35 20-10	10-10 12-35 15-20 15-55 15-40 17-35 19-25 19-45 21-35	HY-1422 HY-1424 HY-680 HY-1426 HY-1434 HY-1428 HY-1430 HY-692 HY-1432	10-55 13-15 03-50 16-35 11-15 18-15 20-05 07-05 06-35	12-15 14-35 05-05 17-50 12-25 19-30 21-20 08-20 07-50	ЯК-40 AH-24 ТУ-154 ЯК-40 ТУ-154 ЯК-40 ЯК-40 ТУ-154 ЯК-40
БУХОРО	HY-1321 HY-1321 HY-1327 HY-1329 HY-659 HY-1337 HY-1335 HY-1331	3,4 6,7 1,2 1,2,3,4,6,7 5 (6) 4,7 (1,5) 2 (3) 1,5,6	07-35 07-35 11-20 15-55 15-55 17-15 17-25 18-00	09-15 09-20 13-00 17-35 17-10 18-35 18-45 19-45	HY-1322 HY-1322 HY-1328 HY-1330 HY-660 HY-1338 HY-1336 HY-1332	09-55 10-00 13-40 18-15 03-35 08-20 11-30 20-25	11-25 11-30 15-10 19-45 04-55 09-35 12-45 21-55	ЯК-40 AH-24 ЯК-40 ЯК-40 ТУ-154 ТУ-154 ТУ-154 AH-24
ЗАРАФШОН	HY-1345	ҳар куни	06-55	08-35	HY-1346	09-15	10-40	ЯК-40
ҚАРШИ	HY-1201 HY-1205	ҳар куни ҳар куни	09-35 20-00	11-10 21-35	HY-1202 HY-1206	11-50 07-30	13-15 08-55	ЯК-40 ЯК-40
НАМАНГАН	HY-1453 HY-1461 HY-1457	1,3,5 6 (7) ҳар куни	07-15 14-40 18-45	08-30 15-40 20-00	HY-1454 HY-1462 HY-1458	09-15 11-15 20-40	10-25 12-10 21-50	ЯК-40 ТУ-154 ЯК-40
НУКУС	HY-1001 HY-1003 HY-1005 HY-1007 HY-1013	ҳар куни 2,6 2,5,6 3,7 1,4 (2,5)	09-55 13-55 17-00 17-00 17-00	12-25 16-25 19-30 18-40 19-30	HY-1002 HY-1004 HY-1006 HY-1008 HY-1014	13-10 17-05 20-15 19-50 07-00	15-20 19-15 22-25 21-20 09-10	ЯК-40 ЯК-40 ЯК-40 ТУ-154 ЯК-40

	HY-1015 HY-1009	1,4 2,3,7 (1,3,4)	19-35 20-30	21-15 23-00	HY-1016 HY-1010	22-25 07-00	23-55 09-10	ТУ-154 ЯК-40
САМАРҚАНД	HY-1301 HY-1317 HY-1309	1,3,4,5,7 2,6 1,3,4,5,7	07-15 07-40 15-20	08-30 08-50 16-35	HY-1302 HY-1318 HY-1310	09-10 22-20 17-20	10-25 23-30 18-35	AH-24 ТУ-154 AH-24
ТЕРМИЗ	HY-1151 HY-1153 HY-1157 HY-1155 HY-1159 HY-1161	6,7 1,2,4,5,6,7 4,5 3 1,2,4,5,6,7 ҳар куни	07-25 09-30 12-10 14-35 14-35 19-30	09-15 11-20 14-10 15-45 16-25 21-20	HY-1152 HY-1154 HY-1158 HY-1156 HY-1160 HY-1162	09-55 12-00 14-55 16-55 17-05 07-00	11-35 13-40 16-45 18-10 18-45 08-40	ЯК-40 ЯК-40 AH-24 ТУ-154 ЯК-40 ЯК-40
УРГАНЧ	HY-1051 HY-1053 HY-645 HY-749 HY-1061 HY-1057 HY-1059 HY-1067 HY-1063 HY-1065	3,5,6 1,2 4 5 7 3,4,6,7 1,2,5 2,5,7 1,2,3,4,6,7 5	07-15 07-15 08-10 08-30 10-40 13-00 13-00 15-15 17-45 20-00	08-55 09-35 09-50 10-00 12-20 14-40 15-20 17-45 19-25 21-40	HY-1052 HY-1054 HY-646 HY-1062 HY-1058 HY-1060 HY-1068 HY-1064 HY-1066	09-35 10-15 19-25 13-00 15-25 16-00 18-25 20-05 22-20	11-05 12-20 20-55 14-30 16-55 18-10 20-35 21-35 23-50	RJ-85 AH-24 ТУ-154 ИЛ-62К RJ-85 RJ-85 AH-24 AH-24 RJ-85 RJ-85
ФАРҒОНАДАН	HY-1401 HY-1403 HY-1405 HY-1413 HY-1407 HY-1415 HY-1409	1,3,4,5,6 2,3,7 4,5,6 1 (2) 2,3,6,7 4 (5) 1	07-20 11-20 13-45 13-45 18-00 18-30 18-50	08-40 12-30 15-05 14-45 19-20 19-45 20-10	HY-1402 HY-1404 HY-1406 HY-1414 HY-1408 HY-1416 HY-1410	09-20 13-10 15-45 09-35 20-00 22-50 20-50	10-35 14-25 17-00 10-35 21-15 23-55 22-05	AH24 ЯК-40 AH-24 ТУ-154 AH-24 ТУ-154 AH-24

ВИЛОЯТ АЭРОПОРТЛАРИДАН МДҲ ШАҲАРЛАРИГА РЕЙСЛАР

АНДИЖОНДАН

УРГАНЧ	HY-623	3 (4)	17-10	19-05	HY-624	07-55	09-45	ТУ-154
МОСКВА (Дмд)	HY-623	3 (4)	17-10	23-20	HY-624	01-50	09-45	ТУ-154
ОМСК	HY-679	5 (6)	16-50	21-35	HY-680	01-35	02-20	ТУ-154
ТЮМЕНЬ	HY-691	2 (3)	21-15	01-50	HY-692	03-00	05-35	ТУ-154
НОВОСИБИРСК	HY-671	2 (3)	23-10	04-00	HY-672	06-00	07-00	ТУ-154

БУХОРОДАН

МОСКВА (Дмд)	HY-607	4,7 (1,5)	20-05	23-20	HY-608	01-50	06-50	ТУ-154
УФА	HY-659	5 (6)	18-40	22-25	HY-660	00-25	02-05	ТУ-154
АНДИЖОН	HY-671	2 (3)	20-15	21-40	HY-672	08-30	10-00	ТУ-154
НОВОСИБИРСК	HY-671	2 (3)	20-15	04-00	HY-672	06-00	10-00	ТУ-154

НАМАНГАНДАН

УРГАНЧ	HY-615	6 (7)	17-10	19-05	HY-616	07-55	09-45	ТУ-154
МОСКВА (Дмд)	HY-615	6 (7)	17-10	23-20	HY-616	01-50	09-45	ТУ-154

НУКУСДАН

МОСКВА (Дмд)	HY-625	1 (2)	19-45	22-20	HY-626	00-50	05-15	ТУ-154

САМАРҚАНДДАН

МОСКВА (Дмд)	HY-605	2,6	10-20	13-50	HY-606	15-50	20-50	ТУ-154
ҚОЗОН	HY-651	5	10-30	13-00	HY-652	15-00	19-20	ТУ-154

УРГАНЧДАН

МОСКВА (Дмд)	HY-623	3 (4)	20-35	23-20	HY-616	01-50	06-25	ТУ-154
МОСКВА (Дмд)	HY-615	6 (7)	20-35	23-20	HY-616	01-50	06-25	ТУ-154
СИМФЕРОПОЛЬ	HY-749	5	11-30	13-00				ИЛ-62К
МИН.ВОДЫ	HY-645	4	11-20	13-00	HY-646	14-30	17-55	RJ-85

ФАРҒОНАДАН

НУКУС	HY-625	1 (2)	16-15	18-15	HY-626	06-45	08-35	ТУ-154
МОСКВА (Дмд)	HY-625	1 (2)	16-15	22-20	HY-626	00-50	08-35	ТУ-154
САМАРҚАНД	HY-651	5	07-55	09-00	HY-652	20-50	21-50	ТУ-154
ҚОЗОН	HY-651	5	07-55	13-00	HY-652	15-00	21-50	ТУ-154

☑ ЖАДВАЛДА УЧИШ ВА ҚЎНИШ МАҲАЛЛИЙ ВАҚТ БЎЙИЧА КЎРСАТИЛГАН.

☑ ЖАДВАЛГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИЛИШИ МУМКИН.

Бизнинг маълумот телефонларимиз: Авиачипталар борлиги ҳақида маълумотнома: 066. Халқаро йўналишлар бўйича маълумотнома: агентлик: 56-38-37, аэропорт: 54-99-19. Авиачипталарни офис ва уйга етказиб бериш: 152-27-90.

ОГОҲЛИК

ИШ МАРКАЗИ — МАҲАЛЛАДА, ХАЛҚ ИЧИДА

— дейди Яккасарой туман ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Бахтиёр Ҳакимов

— Ҳадемай юртимиз истиқлолнинг 10 йиллигини қарши олади. Айни фурсат бажарилган ишлар, амалга оширилган режаларни сарҳисоб айлайдиган пайт. Бахтиёр Ҳакимович, айтингчи, сиз ўн йиллик ўтмишимизга назар ташлаб қандай хулосалар чиқарасиз?

— Дарҳақиқат, халқимиз улуғ айём арафасида турибди. Хусусан, бу йил мустақиллигимизнинг ўн йиллиги нишонланар экан, ҳар бир юртдошимизнинг қалбида фахр ва ғурур туйғулари уйғониши табиий. Бундай пайтда ҳар ким ҳам ортига бир назар ташлаб, мен мана шу ўн йил ичида нималарга эришдим деган савол билан ўзига мурожаат этади. Бажарган ишлари, амалга оширган эзгу ниятлари кўз олдидан ўтади. Мана шу ўн йил менинг ҳаётимда ҳам ўзига хос туб бурилишлар даври бўлди, десам янглишмайман.

Ҳозирда тўла ишонч билан айта оламанки, ўтган фурсат ичида собиқ тузумдаги милиция соҳасига бўлган қарашлар ўзгарди. Илгарилари милиция деганда одамлар дилида қўрқув, ваҳима ҳисси пайдо бўларди. Негаки, у даврда милиция одамлар онгида кўпроқ жазо органи сифатида шаклланган эди. Бунга сабаб, советлар даврида милиция органи кўпроқ жиноятчиларни излаш, уларни фош қилиш билан банд эди. Натижада жиноятлар сони кўтарилиб, уларни камайтириш катта қийинчилик туғдирарди. Энди-чи? Эндиликда милиция жиноятни фош этиш билан бирга унинг олдини олиш йўлидан бормоқда. Бу дегани шуки, асосий эътибор аҳоли орасида профилактика ишларини олиб боришга қаратилмоқда. Натижада нафақат жиноятлар сонининг қисқаришига эришилди, шунингдек, одамларнинг милицияга бўлган муносабати ҳам яхшиланди.

Ҳозирги лавозимга тайинланганимда ишни дастлаб биноларни таъмирлаш, ҳовли ва йўлакларни кўкаламзорлаштириш, янги ускуна ва жиҳозларни ўрнатишдан бошлаганман. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида оз фурсатда бошқарма иши жонланиб, ходимларнинг ишга бўлган муносабати ўзгарди. Соҳада кўп йил меҳнат қилиб шу хулосага келганман: ходимдан ишни талаб қилишдан олдин унга зарур шароит яратиб бериш керак экан. Ишлаш учун шароит бор жойда ходим ишга сидқидилдан ёндашади. Ана шундагина ундан ишни талаб қилса бўлади.

— Милиция ходими биринчи галда қайси фазилат эгаси бўлиши зарур? Умуман, милиция ходимида ҳам хиссиёт бўлиши лозим, деган фикрга муносабатингиз.

— Милиция учун энг керакли фазилат — бу одамлар билан яхши муомалада бўлиш. Кишининг кимлиги биринчи галда бошқалар билан муносабатида кўринади. Шунинг учун доимо кўл остимдагиларга одамлар билан яхши муносабатда бўлишини тайинлаб келаман. Милиция ходими маънавиятли инсон бўлмоғи керак. Атрофдагиларга зарур ҳолларда ҳар қандай ёрдам кўрсата билиши керак. Биз ана шу мақсадда бошқармамизда ҳар сешанба куни маънавият дарслари ташкил қилганмиз.

Маънавият дарслари милиция ходими учун нақадар муҳим. Энди милиция ходимига ҳиссиёт керакми, деган саволга келсак, албатта, керак дейман. Чунки бирор шахс ҳақида хулоса чиқариш учун унинг дардини тушуниш, ташвишини ҳис қилиш лозим. Акс ҳолда, бесабаб бировнинг кўнглига озор етказиб қўйиш ҳеч гап эмас.

Ишлаб чиқилган Тошкент концепцияси соҳамизга катта ўзгаришлар олиб келди. Биргина Яккасарой тумани ҳудудида 17 та милиция таянч пунктлари ташкил этилиб, ходимларнинг ишига қулайликлар яратилди. Кўрикчилар, маҳалла сардор ва посбонлари, яраштирув комиссиялари ташкил этилди. Бир сўз билан айтганда, милиция ва халқ ўртасидаги масофа қисқарди. Эндиликда ҳар бир маҳаллада камида 2-3 та профилактика нозири фаолият кўрсатади. Олдинлари бу «участковой» деб юритиларди. Бироқ, нозирларнинг иш услуби олдингидан тубдан фарқ қилади. Илгарилари маҳалла ва участка нозирлари орасида бўшлиқ мавжуд эди. Ҳозирда бу бўшлиқ ўрнини ҳамкорлик тўлдирмоқда. Яъни, нозирлар жиноятчиликка қарши курашда, унинг олдини олишда бевосита маҳалла билан, халқ билан биргаликда иш олиб боради.

«Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра!», деган гап бор. Ҳар бир маҳалла, ҳар бир оила ўз ҳудуди осойишталиги учун жон куйдирса, ҳамиша ҳушёр бўлса, бу ўзи учун ҳам, давлат учун ҳам фойдали. Осойишталикни сақлаш — ҳар биримизнинг бурчимиз. Бу борада маҳалла-кўй милиция органи билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйиши катта аҳамиятга эга. Демак, ишни маҳаллага, халқ ичига кўчирсак, муаммоларни осонлик билан ҳал қилса бўлади.

Сафимизга ўз бурчига садоқатли, ҳалол, пок, виждонли, ўқимишли ходимларни танлаб, жойига қўйиб, уни тарбиялаб борсак, ўйлайманки, милиция обрўси халқимиз ўртасида янада ошади ва унга бўлган ишончи мустаҳкамланади.

■ **Суҳбатдош: Матназар ЭЛМУРОДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

«НЕМО»

қўшма корхонаси жамоаси

10

Ўзбекистон халқини улуғ байрам — мамлакатимиз Истиқлолининг ўн йиллиги муносабати билан қизғин ва самимий муборакбод этади!

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимизки, мустақиллик туфайли иқтисодиётимизда муайян ижобий ўзгаришлар юз берди. Турли янги фабрикалар, қўшма корхоналар вужудга келди. Рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида ҳам юксалишлар кўзга ташланмоқда.

Бизнинг «Немо» қўшма корхонамиз ҳам Истиқлол фарзандидир. Айни пайтда биз ишлаб чиқарган ширинликлар элга манзур бўлаётир.



Халқимизни Истиқлол байрами билан қутлар эканмиз, бугун Тошкентдаги Бобур номли боғда бўлиб ўтадиган «Шакар ва ширинлик маҳсулотлари» фестивали иштирокчиларига ҳам алангали салом йўллаймиз!

«ТАНСИҚ НОН»

ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ЎТКАЗИЛИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

Йиғилиш 2001 йил 20 август куни соат 11.00 да корхонанинг мажлислар залида ўтказилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 9 мартдаги 119-сонли «Давлат тасарруфидан чиқиш ва чет эл инвесторларини жалб қилган ҳолда хусусийлаштиришни эндиги чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган ишларни муҳокама қилиш.

2. Корхона Уставига ўзгартиришлар киритиш.

3. Корхона эмиссия лойиҳасига ўзгартиришлар киритиш.

4. Иккинчи эмиссияни ўтказиш ҳақида.

Мажлис қатнашчилари эрталаб 9.00 дан бошлаб рўйхатга олинади.

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳар, Чехов кўчаси, 1-уй.

«ТЕМИРЙЎЛТАЪМИН»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

акциядорларининг 2001 йил 31 майдаги йиғилишида қабул қилинган қарорга биноан ҳар бир сотиб олинган акция учун 175 сўм миқдорида дивиденд тўлаш белгиланди.

«ТЕМИРЙЎЛТАЪМИН» ОАЖ

19 АВГУСТ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲАВО ФЛОТИ КУНИ

ВАТАН ҚАНОТЛАРИ

Ҳадемай, Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллигини ҳам нишонлаймиз. Қутлуғ айём ҳар биримиз учун азиз ва қадрли. Ҳа, Мустақиллик кунини нишонлаш, айтиш жоизки, асрларга татигулик 10 йил мобайнида амалга оширилган бунёдкорлик ишларини сарҳисоб этиш вақти ҳамдир.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Фармонига биноан бир неча йилдан буён август ойининг учинчи якшанбасида ўзбек ҳаво флоти куни кенг нишонланиб келинмоқда. Фуқаро авиацияси ходимлари касб байрамларини она-Ватан ишончини оқлаган ҳолда кутиб олишмоқда. Зеро, ўтган йиллар мобайнида амалга оширилган ишларни санаб ўтсак, бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин. Чунончи, жаҳоннинг етакчи авиаташувчилари билан тенг-тенг ишлаётган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси томонидан 20 миллион йўловчи ташилди, 300 минг тоннадан ортиқ юк эса манзилига етказилди. 25 дан ортиқ хорижий мамлакатга самолётларимиз парвоз этаётир. Бунда Ғарбда ишлаб чиқарилган замонавий, қулай ва тежамкор «А-310», «Боинг» ва «RJ-85» самолётлари йўловчиларга жаҳон андозалари даражасида хизмат қилмоқда. Дарвоқе, яқинда Нью-Йоркда ўтган 15-Халқаро авиация анжуманида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ҳаво йўналишларидаги юқори сифатли хизматлари ва парвозлар хавфсизлиги учун халқаро мукофот — «Олтин юлдуз» билан тақдирланди. Шуни айтиш керакки, мукофот соҳиби Халқаро авиация ташкилоти аъзоларининг яширин овоз бериш йўли билан аниқланди. Бир сўз билан айттанда, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси наинки Осиё, Европа, балки Америкада ҳам эътироф этилган нуфузли ташкилотга айланган. Ватанимизнинг қайрилмас қанотлари мустаҳкам, парвозлари янада баланд бўлаверсин.

■ **Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**



ПОРТЛАШ САБАБЛАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Ҳиндистоннинг Тамилнад штатидаги портловчи модда ишлаб чиқарадиган заводда портлаш рўй берди. Натижада ўттизга яқин ишчи ҳалок бўлди. Маҳаллий ҳокимият маъмурларининг айтишича, ҳозиргача вайрона тагидан тўрт кишининг жасади олиб чиқилган. Портлаш сабаблари ҳали номаълум.

ВАЗИЯТ ТАҚОЗОСИ

Ислом конференцияси ташкилотига аъзо элликдан ортиқ давлат вакиллари БМТ Хавфсизлик кенгашидан Яқин Шарқда юзага келган вазиятни муҳокама қилиш учун зудлик билан кенгаш чақиришни талаб қилди. Уларнинг фикрича, Хавфсизлик кенгаши Фаластин масаласи бўйича очиқ мажлисни мумкин қадар тезроқ ўтказиши керак.

АҚШ иқтисодиётида кечаётган салбий ўзгаришлар Токио биржасида беқарорлик келтириб чиқарди. АҚШ доллари иенга нисбатан арзонлашиб кетди. Пайшанба куни эрталаб 1 АҚШ доллари баҳоси 120 иенга тенглашди. Японидаги 225 йирик компаниянинг қимматбаҳо қоғозлари қийматини белгиловчи Никкэй индекси 250 нуқтага пастлади.

ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

ЭЛ СОҒЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Кўпгина тармоқлар қатори мамлакат иқтисодиётида дори-дармон саноати ҳам муҳим бўғин ҳисобланади. Сабаби, бу соҳани ривожлантириш орқали четдан келтирилаётган дори-дармонлар миқдорини камайтириб, мавжуд имкониятлар эвазига ўзимизда ишлаб чиқариш ҳисобига аҳоли талаб-эҳтиёжини қондиришдир. Бу четга кетаётган валюта ўзимизда қолади, деганидир. Бундан ташқари, маҳсулот сифатини яхшилаб, экспорт имкониятларига кенг йўл очилса, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг янада юксалишига ҳисса бўлиб қўшилади.

«Ўзкимёфарм» очиқ акциядорлик жамияти республикамизда дори-дармон ишлаб чиқарадиган энг йирик корхона ҳисобланади. «Ўзфармсаноат» ДАК таркибига кирувчи мазкур жамият ўз маҳсулотини 1140 та истеъмолчига етказиб беради, шунингдек, ўзининг 22 та фирма дорихонаси орқали халқни дори-дармонлар билан таъминлайди. Иш унумдорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш борасида тинимсиз изланаётган корхона жамоаси ҳозирга келиб бирмунча ютуқларга эришди. Жумладан, бирлашма цехларида бугунга келиб 120 хил дори препаратлари ишлаб чиқарилаяпти. Четдан келтирилаётган хомашёни имкон қадар камайтириш борасида ҳам сезиларли ўзгаришлар бўлди. Бундан бир неча йил олдин хомашёнинг 80 фоизи четдан келтирилган бўлса, айни пайтда бу кўрсаткич 40 фоизга тушди. Ўзининг бутун фаолияти мобайнида жамият маҳаллий хомашё асосида янги препаратлар ишлаб чиқариш ҳамда жорий технологияларни такомиллаштириш билан боғлиқ тадқиқотларни олиб бормоқда. Ишлаб чиқаришда эришилаётган ютуқлар бирлашма фаолияти яхшиланишига олиб келмоқда. Ўтган йил якунларига назар солинадиган бўлса, корхонанинг иқтисодий салоҳияти йилдан-йилга юксалиб бораётганлигини кўриш мумкин. Биргина мисол: ўтган йил натижаларига кўра умумхўжалик фаолиятидан 215,5 млн. сўм фойда олинди. Маҳсулотни реализация қилишдан 1.3 млрд. сўм олишга эришилди. Амалдаги нархларга нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1,1 млрд. сўм, бу кўрсаткич 1999 йилга нисбатан солиштирилганда 184 фоизни ташкил этди.

— Корхона фаолияти фақатгина маҳсулот ишлаб чиқариш билан чекланиб қолмаслиги керак, — дейди жамият бошқаруви раиси Сайдулла Асатов. — Ишнинг марказида мижозлар билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйиш ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотни харидорга ўз вақтида етказиб беришни ташкил қилишдир.

Дарҳақиқат, ҳисоб-китобларга эътибор берадиган бўлсак, корхонанинг молиявий барқарор мухитга эришганлигини кўриш мумкин. Масалан, ўтган йил бошидан 2001 йилга қадар 548.763 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, биргина жорий йилнинг 6 ойи давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 1.182.623 минг сўмни ташкил этди. Ёки амалдаги режа ярим йилдаёқ 216 фоизга уддаланди.

Корхона истиқболини кўзлаб деярли ҳар йили янги линиялар ишга тушириляпти. Муҳандис-техник, механик-таъмирлаш, ампула цехлари реконструкция лойиҳаси ишлаб чиқилди. Хорижий фирма ва компаниялар билан ҳам алоқалар яхши йўлга қўйилган. «Трейдингфарм», «Таш-Тамед-Фарма», «FPI-Ташкент» сингари қўшма корхоналар, «Nobel dori-darmon» хорижий корхонаси ҳамда «Дармон» хўжалик шўъбасининг таъсисчиси бўлган корхона ўзининг фаолият қамровини кенгайтириш мақсадида янги лойиҳалар устида иш олиб бормоқда.

Корхона муаммоларидан бири хомашёнинг маълум қисми четдан ташиб келтирилаётганлигидир. Ҳолбуки, маҳаллий доривор гиёҳлар республикамиз дори саноатини хомашё билан таъминлашга бемалол етади. Бироқ, уларни қайта ишлайдиган замонавий технологияларнинг етарли эмаслиги ишга тўсиқ бўлмоқда. Бирлашма жамоаси бу муаммоларни ҳал қилиш борасида бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйган.

Бозор иқтисодиётининг муҳим тамойилларидан бири рақобат майдонини шакллантиришдир. Қаерда рақобат мавжуд бўлса, ўша ерда сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилади. «Ўзкимёфарм» ҳамда шу турдаги бошқа корхоналар ўртасида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш борасида рақобат майдони мавжуд. Бунинг самараси ўлароқ халқаро стандартларга жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиляпти.

Бирлашма таркибидаги таблетка, ампула, фета-кимёвий цех, гален препаратлари ҳамда докабоғ цехларида жаҳон талабларига жавоб берадиган, сифати тўлиқ кафолатланган дори препаратлари ишлаб чиқарилади. Маҳаллий хомашё асосида эксокор, кобальт, қизилмия илдизи қиёми каби янги дори препаратларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, парацетамол, бронхолитин қиёмлари ва яна бир неча хил тиббий воситаларни тайёрлаш йўлга қўйилмоқда.

«Ўзкимёфарм» акциядорлик жамияти бир қатор олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтлари билан янги дори турларини яратиш борасида изланишлар олиб бормоқда. Бу изланишлар натижасида микрокристаллик целлюлоза таблеткаси, логаден, инебрин таблеткалари, мўмиё, кобавит препаратлари яратилди. «Ўзфармсаноат» ДАК қошидаги Шарқ медицина институти, Кимёфармацевтика илмий-тадқиқот институти ва бошқа институтлар билан олиб борилаётган тадқиқотлар ҳам яхши самара бераяпти. Ҳозирда дори воситалари ишлаб чиқаришда кенг қўлланиладиган 20 турдаги субстанциялар айнан шу ҳамкорликнинг самараси ўлароқ яратилиб, ишлаб чиқаришга кенг жорий қилинди. Опек анаприлин, миневалол, кукумазин субстанциялари шулар жумласидандир.

Ҳар бир корхонанинг ўз экспортбоп маҳсулоти бўлади. Бу маҳсулот учун корхона хорижий давлатларнинг патентини олган бўлиб, уни фақат ўша корхона ишлаб чиқаришга ҳақли. «Ўзкимёфарм» очиқ турдаги акциядорлик жамиятида маҳаллий хомашё асосида тайёрланаётган бир неча хил дори воситаларини ҳам шундай маҳсулотлар сирасига киритиш мумкин. Масалан, камқонлик касталигини даволашда ишлатиладиган ферамид таблеткаси, оёқ қон-томир касалликлари муолажасида қўлланадиган галантамин, дезоксипеганин, тефестрол экдистен ва бошқа ўнлаб дори препаратлари фақатгина мазкур корхонада ишлаб чиқарилади.

Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги арафасида фидокорона меҳнат қилаётган корхона жамоасининг мақсадлари улкан. Зеро, халқ саломатлиги йўлида тер тўкиш энг олий бахт эканлигини бу ердаги ҳар бир ишчи теран ҳис қилади.

■ **Абдуғани МАМАСОДИҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири, Муҳаммад НАЗАР**

***

Суратларда: корхона фаолиятидан лавҳалар

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар